



Toshkent davlat
sharqshunoslik universiteti

XXI ASR: FAN VA TA'LIM MASALALARI

ilmiy elektron jurnali

ISSN: 2181-9874



EDUCATION

2026

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.	Савин Виктор, Шакулова Нуриса	ИНСТИТУЦИОНАЛЬНАЯ И ФИНАНСОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ ESG-БАНКИНГА В КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ	3-16
2.	Наров Улугбек	ИННОВАЦИИ В ЗЕЛЁНОЙ ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА	17-29
3.	Zulayxo Kadirova, Sulxiya Gaziyeva	GLOBAL MIGRATSIYA JARAYONLARI VA YUQORI MALAKALI ISHCHI KUCHI: BRM DOIRASIDA TAHLIL	30-44
4.	Dildora Yorqulova	INTERNATSIONALLASHUV NAZARIYALARI ASOSIDA TRANSMILLIY KOMPANIYALAR STRATEGIK BOSHQARUVI: BARQAROR RIVOJLANISH VA YASHIL IQTISODIYOT TENDENSIYALARI	45-52
5.	Samadjon Mamurov	YASHIL IQTISODIYOTDA AXBOROTLASHTIRISH TIZIMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	53-65
6.	Ихтиёр Таджиев	ҚОЗОҒИСТОНДА ВАЛЮТА СИЁСАТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАР ВА ТАҲЛИЛИ	66-75
7.	Равшанжон Рискулов	РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОМПАНИЯЛАРНИНГ АУТСОРСИНГДАН ФОЙДАЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ	76-83
8.	Nargiza Abdulazizova	PENSIYA AKTIVLARINI YASHIL INVESTITSIYALARGA YO'NALTIRISHNING INSTITUTIONAL MECHANIZMI	84-93
9.	Mahliyo Ismoyilova	YASHIL IQTISODIYOT TAMOIYILLARINI SANOAT KORXONALARIGA INTEGRATSIYALASHDA IQTISODIY OMILLARNING O'RNI VA AHAMIYATI	94-104
10.	Шерзод Якубов	БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАРИ	105-118
11.	Shaxnoza Abdullayeva	AHOLINING FAROVONLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIY QO'LLAB-QUVVATLASH YO'NALISHLARI	119-126
12.	Nodir Xikmatov, Venera Salixova	YASHIL IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYA VA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARNING ROLI	127-133
13.	Mashkura Kamilova, Jasur Niyazaliev	SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH AND NATIONAL INNOVATION SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	134-141
14.	Feruza Bekmurodova	ECONOMIC IMPACT OF GREEN ECONOMY: LESSONS FROM FOREIGN COUNTRIES	142-149
15.	Nigora Maxmasobirova, Madinabonu Jo'rayeva	BARQAROR RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDA MIGRATSIYA JARAYONLARINI TARTIBGA SOLISHNING AHAMIYATI: YEVROPA TAJIRIBASI	150-158

16.	Mehri Voxidova	XALQARO YASHIL STANDARTLARNING KORXONA FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHDAGI O‘RNI	159-166
17.	Baxtiyor Ismoilov	IQLIM O‘ZGARISHI SHAROITIDA MEHNAT MIGRATSIYASI JARAYONLARINING IJTIMOIIY-IQTISODIY TAHLILI	167-176
18.	Asal Dadaxonova	ZAMONAVIY DAVRDA XODIMLARNI BOSHQARISH JARAYONIDA MOTIVATSIYANING TUZILISHI (AQSH TAJRIBASI ASOSIDA)	177-188
19.	Ismatulla Xaydarov	SANOAT YUKLARINI TASHISHDA TURLI TRANSPORT TURLARIDA NARX SHAKLLANISHI XUSUSIYATLARI	189-200
20.	Дилдора Сайдалиева	АНАЛИЗ БЕДНОСТИ И СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО НЕРАВЕНСТВА В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ЗЕЛЁНОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	201-214
21.	Хулкар Каримова	ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРАКТИК И АГРОТЕХНОЛОГИЙ ИСПАНИИ В УЗБЕКИСТАНЕ	215-227
22.	Диёрахон Собирова	ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ СТАРТАПА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА: НА ПРИМЕРЕ СТАРТАПА HUMANOLA	228-244
23.	Komiljon Habibullayev	MARKAZIY OSIYODA YASHIL IQTISODIYOT UCHUN INSON KAPITALINI SHAKLLANTIRISH: AQSHDAGI TA’LIM MIGRATSIYASI TAHLILI	245-255
24.	Peng Xinge	CHINA–KYRGYZSTAN–UZBEKISTAN RAILWAY: A STRATEGIC DRIVER OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN THE REGIONAL SERVICE ECONOMY	256-267
25.	Iroda Mamarasulova	SANOATDA QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYADAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI	268-275
26.	Barchinoy Mo‘minova	O‘ZBEKISTONDA INNOVATSION LOYIHALARNI AMALGA OSHIRISH MOHIYATI, TAHLILI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI	276-285
27.	Sug‘diyona Zoyidjonova	STARTAPLAR RIVOJLANISHINING HOZIRGI TENDENTSIYALARI	286-297
28.	Алина Салихова	УСТОЙЧИВЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ И ПРИНЦИПЫ ESG: ОПЫТ СТРАН ПЕРСИДСКОГО ЗАЛИВА И ПЕРСПЕКТИВЫ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА	298-305
29.	Mamnuna Abdumalikova Jasur Niyazaliev	DIGITAL TRANSFORMATION IN THE LOGIC OF THE GREEN ECONOMY: THE UAE’S EXPERIENCE IN BUILDING A SUSTAINABLE POST-OIL GROWTH MODEL	306-316
30.	Mohira Akbarova	QAYTA TIKLANADIGAN VA KENGAYTIRILADIGAN BIZNES MODELLARI (XALQARO VA O‘ZBEKISTON TAJRIBASIDA)	317-323

31.	Жахонгир Хурсанабодов Улугбек Наров	ОЦЕНКА СТРУКТУРЫ ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ УЗБЕКИСТАНА И ПОТЕНЦИАЛ ИМПОРТОЗАМЕЩЕНИЯ	324-332
32.	Surayyo Kushbakova	PROSPECTS FOR COOPERATION ON RENEWABLE ENERGY IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES	333-341
33.	Abdulaziz Erkaboyev	YASHIL IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH NAZARIYASI VA O‘LCHOVI MUAMMOLARI: YASHIL O‘SISH	342-349
34.	Shoxinur Ergasheva	FINANCING THE GREEN ECONOMY THROUGH INTERNATIONAL FINANCIAL INSTITUTIONS: OPPORTUNITIES AND CHALLENGES FOR UZBEKISTAN	350-356
35.	G‘ulomjon Arifjonov	O‘ZBEKISTONDA YANGI ZIYORAT MASKANLARINING SHAKLLANISHI VA TURIZM SALOHİYATIGA TA’SIRI	357-364
36.	Абдувасик Джалилов	ОБ ОДНОЙ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ «ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ»	365-370
37.	Феруза Туланбаева Улугбек Наров	ЭВОЛЮЦИЯ СТАРТАП-ЭКОСИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА: ИНВЕСТИЦИОННАЯ ДИНАМИКА И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ДИСПРОПОРЦИИ	371-381
38.	Санжар Умаров Улугбек Наров	ПОЗИЦИЯ УЗБЕКИСТАНА В МИРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ: КОЛИЧЕСТВЕННО- СТРУКТУРНЫЙ ПОДХОД К ОЦЕНКЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ	382-391
39.	Li Suihong	ENERGY TRANSITION AND RENEWABLE ENERGY DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN	392-399
40.	Liu Jiang	IMPLEMENTATION DIFFICULTIES OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND GREEN ECONOMY IN UZBEKISTAN	400-407
41.	Shaxzoda Xasanova	BARQAROR IQTISODIY O‘SISHDA GENDER TENGLIGINING ROLI VA UNING YASHIL IQTISODIYOT BILAN INTEGRATSIYASI	408-413
42.	Guli Murodillaeva	GREEN GROWTH AND INVESTMENT ATTRACTION IN FREE ECONOMIC ZONES: INTERNATIONAL EXPERIENCES	414-421
43.	Sardor Mengliboyev	O‘ZBEKISTONNING JAHON SAVDO TASHKILOTIGA A‘ZO BO‘LISHI SHAROITIDA BARQAROR IQTISODIY O‘SISHNI TA’MINLASH	422-428
44.	Shi Yilin	ECONOMIC INTEGRATION AND GREEN ECONOMY DEVELOPMENT EXPERIENCE	429-438
45.	Zhang Hai Ping	CHINA’S INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN'S NEW ENERGY VEHICLE MARKET: RISKS AND STRATEGIC APPROACHES	439-448
46.	А.К.Чылабаева А.Т.Оторова	МИГРАЦИЯ МОЛОДЁЖИ КЫРГЫЗСТАНА КАК СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЯВЛЕНИЕ: ПРИЧИНЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПОСЛЕДСТВИЯ	449-458

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОМПАНИЯЛАРНИНГ АУТСОРСИНГДАН ФОЙДАЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Равшанжон Бектўраевич Рискүлов

Катта ўқитувчиси

Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси, ТДШУ

E-mail: ravshanjon_riskulov@tsuos.uz

ORCID ID: 0000-0001-6143-2403

Аннотация. Мазкур тадқиқот рақамлаштириш шароитида компанияларнинг аутсорсингдан фойдаланиш қарорини шакллантирувчи омилларни таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотнинг мақсади аутсорсинг қарорларига таъсир этувчи иқтисодий, стратегик, технологик ва институционал омилларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил ва иқтисодий моделиштириш усулларида фойдаланилди. Натижаларга кўра, харажатларни камайтириш, асосий фаолиятга ихтисослашув ва технологик самарадорлик аутсорсинг қарорларига асосий таъсир кўрсатувчи омиллар эканлиги аниқланди. Шу асосда аутсорсинг қарорларини комплекс баҳолашга хизмат қилувчи кўп омилли симметрик модел таклиф этилди.

Калит сўзлар: Аутсорсинг, take or buy дилеммаси, рақамли иқтисодиёт, рақобатбардошлик, аутсорсинг стратегияси, туризм саноати.

АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМПАНИЯМИ АУТСОРСИНГА В КОНТЕКСТЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ

Равшанжон Бектўраевич Рискүлов

Старший преподаватель

Кафедра экономики и менеджмента, ТГУВ

Электронная почта: ravshanjon_riskulov@tsuos.uz

ORCID ID: 0000-0001-6143-2403

Аннотация. Данное исследование посвящено анализу факторов, формирующих решение компаний об использовании аутсорсинга в условиях цифровизации. Цель исследования заключается в выявлении и оценке экономических, стратегических, технологических и институциональных факторов, влияющих на принятие решений об аутсорсинге. В работе использованы методы системного и сравнительного анализа, а также экономического моделирования. Результаты показывают, что снижение затрат, концентрация на ключевой деятельности и повышение технологической эффективности являются важнейшими факторами. Предложена многофакторная симметричная модель для комплексной оценки решений об использовании аутсорсинга.

Ключевые слова: Аутсорсинг, дилемма *make or buy*, цифровая экономика, конкурентоспособность, стратегия аутсорсинга, туристическая индустрия.

ANALYSIS OF THE FACTORS INFLUENCING COMPANIES' USE OF OUTSOURCING IN THE CONTEXT OF DIGITALISATION

Ravshanjon Bekturaevich Risqulov

Senior Lecturer

Department of Economics and Management, TSUOS

E-mail: ravshanjon_riskulov@tsuos.uz

ORCID ID: 0000-0001-6143-2403

Annotation. *This study analyzes the factors influencing companies' outsourcing decisions in the context of digitalization. The aim of the research is to identify and evaluate economic, strategic, technological, and institutional factors affecting outsourcing decisions. System analysis, comparative analysis, and economic modeling methods were applied in the study. The results show that cost reduction, focus on core activities, and improvement of technological efficiency are key determinants of outsourcing decisions. A multifactor symmetric model is proposed to provide a comprehensive evaluation of outsourcing decisions.*

Keywords: *Outsourcing, make-or-buy dilemma, digital economy, competitiveness, outsourcing strategy, tourism industry.*

КИРИШ

Замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида компанияларнинг аутсорсингдан фойдаланиши стратегик бошқарувнинг муҳим инструментларидан бирига айланиб бормоқда. Компанияларда аутсорсинг қарорини қабул қилиш, одатда, “*make or buy*” (“ишлаб чиқар ёки сотиб ол”) дилеммасига асосланади. Ушбу дилемма компанияларнинг муайян функция ва вазифаларни ички ресурслар орқали амалга ошириш ёки уларни ташқи пудратчиларга топшириш масаласини ҳал қилишга хизмат қилади.

Мазкур ёндашув компанияларнинг стратегик вазифаларга эътибор қаратишига ва иккиламчи функцияларни ташқи ижрочиларга бериш орқали ресурслардан самарали фойдаланишга имкон яратади. Бу эса компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда бозор талабларига тез мослашиш имкониятини кенгайтиради.

Иқтисодиётда глобллашув ва рақамлаштириш жараёнларининг кучайиши аутсорсинг муносабатларининг ривожланишига туртки бермоқда. Илгари йирик компаниялар хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган барча

жараёнларни мустақил равишда амалга оширган бўлса, ҳозирги шароитда компаниялар асосий компетенцияга эътибор қаратиш ва иккиламчи функцияларни ташқи провайдерларга бериш орқали бозорда рақобат устунлигига эришмоқда.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, аутсорсингдан фойдаланиш компанияларнинг харажатларини қисқартириш, самарадорликни ошириш ва инновацион технологияларга кириш имкониятини кенгайтиради. Масалан, АҚШда ҳар йили тахминан 300 минг иш ўринлари аутсорсинг орқали қайта тақсимланади, мамлакатдаги 68 фоиз компаниялар харажатларни қисқартириш мақсадида фаолиятларининг бир қисмини ташқи провайдерларга топширади. Шунингдек, Global 2000 рўйхатидаги компанияларнинг 96 фоизи аутсорсинг шартномаларидан фойдаланади.

Шу билан бирга, аутсорсинг қарорининг самарадорлиги иқтисодий, стратегик ва институционал омилларга боғлиқ бўлиб, уни комплекс таҳлил қилиш зарур ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Аутсорсинг концепцияси иқтисодий ва бошқарув назарияларида кенг ўрганилган бўлиб, унинг илмий асослари транзакцион харажатлар назарияси, ресурсларга асосланган ёндашув ва стратегик бошқарув концепцияларига таянади. Аутсорсинг қарорини қабул қилиш, одатда, “make or buy” дилеммасига асосланади. Ушбу ёндашув компанияларнинг муайян функцияларни ички ресурслар орқали амалга ошириш ёки уларни ташқи провайдерларга топшириш масаласини ҳал қилишга хизмат қилади.

Аутсорсинг назариясининг асосий илмий асосларидан бири транзакцион харажатлар назарияси ҳисобланади. Ушбу назарияга кўра, компаниялар аутсорсингдан фойдаланиш қарорини ички ишлаб чиқариш харажатлари ва бозор орқали хизмат харид қилиш харажатларини таққослаш асосида қабул қилади (Williamson, 1985). Агар бозор орқали хизмат харид қилиш харажатлари паст бўлса, компаниялар аутсорсингдан фойдаланишга мойил бўлади.

Ресурсларга асосланган назария (Resource-Based View) ҳам аутсорсинг қарорини тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга. Barney (1991) таъкидлашича, компаниялар ўзларининг стратегик аҳамиятга эга бўлган ресурсларини ички назоратда сақлаб қолиши, иккиламчи функцияларни эса ташқи компанияларга топшириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ёндашув компанияларнинг асосий компетенцияга эътибор қаратишига ва рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Аутсорсингнинг стратегик аҳамиятини таҳлил қилган тадқиқотчилардан бири Quinn ва Hilmer (1994) бўлиб, улар компаниялар асосий компетенцияга эътибор қаратиши ва иккиламчи функцияларни ташқи компанияларга топшириши самарадорликни оширишини таъкидлайди. Муаллифлар аутсорсингни компаниянинг стратегик ривожланишида муҳим инструмент сифатида баҳолайдилар.

Замонавий тадқиқотларда аутсорсингнинг рақамли иқтисодиёт шароитидаги аҳамияти ҳам алоҳида ўрганилмоқда. Schönherr (2019) таъкидлашча, рақамлаштириш жараёнлари аутсорсинг муносабатларининг кенгайишига олиб келиб, компанияларга инновацион технологиялар ва глобал таъминот занжирига кириш имкониятини яратади. Шунингдек, глобал меҳнат бозорининг ривожланиши ва рақамли платформаларнинг пайдо бўлиши аутсорсинг хизматлари бозорининг жадал ўсишига туртки бермоқда.

Аутсорсинг қарорини қабул қилишга таъсир этувчи омиллар ҳам бир қатор тадқиқотларда таҳлил қилинган. Масалан, Islam ва бошқалар (2018) тадқиқотларида аутсорсинг қарорини шакллантирувчи асосий омиллар сифатида харажатларни қисқартириш, технологик самарадорликни ошириш, ихтисослашган ташқи мутахассислардан фойдаланиш ва ресурслар етишмаслиги каби омиллар кўрсатилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари аутсорсинг қарорининг фақат иқтисодий омилларга эмас, балки стратегик ва институционал омилларга ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Меҳмонхона ва туризм соҳасида аутсорсингдан фойдаланишни таҳлил қилган тадқиқотларда ҳам унинг самарадорлиги қайд этилган. Somova (2020) меҳмонхона корхоналарида аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш операцион харажатларни камайтириш, хизмат сифатини ошириш ва бошқарув самарадорлигини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлайди.

Шу билан бирга, бир қатор тадқиқотларда аутсорсингдан фойдаланиш билан боғлиқ хавфлар ҳам кўрсатилган. Масалан, технологик билимлар тарқалиши, стратегик компетенцияларни йўқотиш ва бошқарув назоратининг сусайиши аутсорсинг қарорини чекловчи омиллар сифатида қайд этилган (Deloitte, 2023).

Юқорида келтирилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, аутсорсинг қарорини қабул қилиш жараёни кўп омилли характерга эга бўлиб, иқтисодий, стратегик, технологик ва институционал омилларни комплекс баҳолашни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, аутсорсингдан фойдаланиш қарорини кўп омилли модел асосида таҳлил қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотда аутсорсингдан фойдаланиш қарорини таҳлил қилишда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил ва иқтисодий моделлаштириш усулларида фойдаланилди.

Аутсорсинг қарорини баҳолашда кўп омили симметрик модел таклиф этилди. Мазкур модель компаниянинг ички ресурсларидан фойдаланиш ва ташқи ресурсларга муурожаат қилиш ўртасидаги иқтисодий мувозанатни баҳолашга хизмат қилади.

Модель доирасида қуйидаги асосий омиллар ҳисобга олинди:

- иқтисодий омиллар;
- стратегик омиллар;
- операцион омиллар;
- технологик омиллар;
- ташкилий омиллар;
- инновацион омиллар;
- институционал омиллар.

Аутсорсинг қарорини интеграл индекс орқали баҳолаш таклиф этилди:

$$\text{Аут. қарори} = \sum_{i=1}^7 w_i F_i$$

бу ерда w_i омиллар вазни, F_i омилларнинг нисбий баҳолаш кўрсаткичлари.

Иқтисодий омилни баҳолашда қуйидаги кўрсаткич қўлланилди:

$$E = \frac{\text{Ҳаражат}_{\text{ички}} - \text{Ҳаражат}_{\text{аутсорсинг}}}{\text{Ҳаражат}_{\text{ички}}}.$$

Ҳаражатлар ҳисоби $E > 0$ бўлса, аутсорсинг қарори қаноатлантиришга асос бўлади.

НАТИЖАЛАР

Тадқиқот натижалари аутсорсинг қарорининг кўп омили характерга эга эканлигини кўрсатди. Компанияларда аутсорсингдан фойдаланиш қарорини шакллантирувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- ҳаражатларни қисқартириш;
- асосий фаолиятга концентрациялашув;
- ихтисослашган ташқи компаниялардан фойдаланиш;
- технологик самарадорликни ошириш;
- институционал муҳитнинг ривожланганлиги.

Шу билан бирга, аутсорсингдан фойдаланмасликка олиб келувчи омиллар ҳам мавжуд:

- стратегик компетенцияларни йўқотиш хавфи;


- технологик сирлар ва билимларнинг тарқалиши;
- аутсорсинг харажатларининг юқори бўлиши;
- институционал чекловлар;
- бошқарув назоратининг сусайиши.

Аутсорсингдан фойдаланиш қарорининг ижобий натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

- компания харажатларини оптималлаштириш;
- ресурсларни стратегик фаолиятларга йўналтириш;
- технологик самарадорликни ошириш;
- ташкилий бошқарувни такомиллаштириш;
- инновацион имкониятларни кенгайтириш.

Юқоридаги салбий ва ижобий омиллар асосида аутсорсингдан фойдаланиш қарорини марказий нукта сифатида унинг чап томонини салбий мезонлар бўйича аутсорсингдан фойдаламаслик, ўнг томонини эса аутсорсингдан фойдаланишга ажратган ҳолда қуйидаги (2.1 – расм) кўп омилли симметрик моделни келтирамиз.

Аутсорсингдан фойдаланиш қарори компаниянинг ички ресурсларидан фойдаланиш ва ташқи ресурсларга мурожаат қилиш ўртасидаги мувозанатни тавсифлайди. Қарор ўзаро боғлиқ иқтисодий, стратегик ва институционал омиллар таъсирида шаклланади. Бу жиҳатдан аутсорсингни муайян параметр асосида эмас, балки кўп омилли комплекс модел доирасида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.



1 – расм. Аутсорсингдан фойдаланиш қарорининг кўп омилли симметрик модели¹.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
www.sharqjurnali.uz

МУҲОКАМА

Тадқиқот натижалари аутсорсинг қарорининг иқтисодий, стратегик ва институционал омиллар таъсирида шаклланишини кўрсатади. Бу жиҳатдан аутсорсингни ягона параметр асосида эмас, балки кўп омилли комплекс модель асосида баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Рақамлаштириш жараёнлари аутсорсингнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Онлайн платформалар, маълумотлар таҳлили ва рақамли технологиялар туристик компанияларни ташқи хизматлардан фойдаланишга янада кўпроқ рағбатлантирмоқда.

Шунингдек, туризм соҳасида аутсорсингдан фойдаланиш компанияларга қуйидаги устунликларни таъминлайди:

- хизмат сифатини ошириш;
- технологик инновацияларни жорий қилиш;
- операцион самарадорликни ошириш;
- рақобатбардошликни кучайтириш.

Шу нуқтаи назардан, аутсорсингдан фойдаланиш қарорини иқтисодий самарадорлик, стратегик компетенция ва институционал муҳитни ҳисобга олган ҳолда комплекс баҳолаш компанияларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари рақамлаштириш ва глобал рақобат шароитида компанияларнинг аутсорсингдан фойдаланиши стратегик аҳамият касб этаётганлигини кўрсатди. Замонавий иқтисодиётда аутсорсинг компанияларга ресурслардан самарали фойдаланиш, асосий фаолиятга концентрациялашувни кучайтириш ва бозорда рақобатбардошликни таъминлаш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, компанияларда аутсорсинг қарорини шакллантиришда ҳаражатларни қисқартириш, асосий компетенцияга эътибор қаратиш, технологик самарадорликни ошириш, ихтисослашган ташқи компаниялар билан ҳамкорлик қилиш ва институционал муҳитнинг ривожланганлиги каби омиллар муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, стратегик компетенцияларни йўқотиш хавфи, технологик билимлар тарқалиши, бошқарув назоратининг сусайиши ва аутсорсинг ҳаражатларининг юқори бўлиши каби омиллар аутсорсингдан фойдаланиш қарорини чеклаши мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқот доирасида аутсорсинг қарорини баҳолаш учун кўп омилли симметрик модел таклиф этилди. Ушбу модель компаниянинг ички ресурслари ва ташқи хизматлардан фойдаланиш имкониятларини иқтисодий,

стратегик ва институционал омиллар асосида комплекс баҳолаш имконини беради. Мазкур ёндашув компанияларда аутсорсингдан фойдаланиш қарорини асосланган ҳолда қабул қилишга хизмат қилади.

Рақамлаштириш жараёнлари хизмат кўрсатиш ва айниқса туризм соҳасида аутсорсингнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Онлайн платформалар, рақамли технологиялар ва маълумотлар таҳлили компанияларни ташқи ресурслардан фойдаланишга рағбатлантирмоқда. Шу нуктаи назардан, компанияларда аутсорсингдан фойдаланиш қарорини иқтисодий самарадорлик, стратегик компетенциялар ва институционал муҳитни ҳисобга олган ҳолда комплекс баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Келгусидаги тадқиқотларда аутсорсингдан фойдаланиш омилларини эмпирик маълумотлар асосида баҳолаш, иқтисодий моделлар ва статистик таҳлиллар орқали уларнинг компания фаолияти самарадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Barney, J. (1991). Firm resources and sustained competitive advantage. *Journal of Management*, 17(1), 99–120.
2. Deloitte. (2023). *Global Outsourcing Survey*. Deloitte Insights.
3. Grand View Research. (2024). *Global Outsourcing Market Size Report 2024–2030*. Grand View Research.
4. Islam, A., et al. (2018). Factors influencing outsourcing decisions in manufacturing firms. *International Journal of Production Economics*, 205, 97–108.
5. Kakabadse, A., & Kakabadse, N. (2005). Outsourcing: Current and future trends. *Thunderbird International Business Review*, 47(2), 183–204.
6. Quinn, J., & Hilmer, F. (1994). Strategic outsourcing. *Sloan Management Review*, 35(4), 43–55.
7. Schönherr, T. (2019). *Outsourcing and supply chain management: Strategic implications*. Springer.
8. Somova, T. (2020). *Improving the efficiency of outsourcing services in hotel enterprises*. Moscow: Economic Sciences Dissertation.
9. Williamson, O. (1985). *The Economic Institutions of Capitalism: Firms, Markets, Relational Contracting*. New York: Free Press.
10. World Bank. (2023). *Digital Economy and Global Outsourcing Trends*. Washington DC.